

Амалларни чиройли суратда адо этмасдан, рўзангизни бузиб қўйманг



17:45 / 22 март 1795

- Намозингни зое қилиш орқали рўзангни бузма.
- Садақа улашмасдан, рўзангни бузма.
- Ҳиссиётга берилиб, бошқаларни сўкиш орқали рўзангни бузма.
- Меҳмондорчиликни кўпайтириб, рўзангни бузма.
- Кўп гапириб ва чақимчилик қилиб, рўзангни бузма.
- Ота-онангга оқ бўлиб, рўзангни бузма.
- Кўзингни номаҳрамларга қаратиб, рўзангни бузма.
- Вақтингни зое қилиб, рўзангни бузма.
- Қариндошлардан алоқани узиб, рўзангни бузма.

Инсонда фаришталарга хос, шайтоний ва ваҳшийлик хусусиятлар бўлади. Фаришталарга хос хусусияти - иймон, раҳм, тоат-ибодат, хушуъ ва нафсий юксалиш.

Шайтоний хусусияти - ҳаром қилинган шаҳват, ёлғон, ҳийла ва бузғунчилик.

Ваҳшийлик хусусияти - ғазаб, зўравонлик ва зулм. Рўза аслида ваҳшийлик ва шайтоний хусусиятлардан халос бўлиб, фаришта сифат хусусиятни қўлга киритиш ойдир.

Али Тантовий

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21
февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*